2014 йил 19 март, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 54 — 55 (12.615 — 12.616)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




*Фарзандлар камоли ва иқболини кўзлаб, эзгу ниятлар билан яшаш халқимизга хос улуғ фазилат. Авлоддан авлодга ўтиб, сайқал топиб келаётган бу азалий қадрият мустақиллик йилларида янада бойиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.*

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА БАХТЛИ АВЛОД

Истиқлолнинг дастлабки ойларида қабул қилинган ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг биринчи моддасида ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўлатўкис рўёбга чиқиши учун шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир, дейилади.

Ҳар қандай мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, эртанги куннинг ҳақиқий эгалари бўлган баркамол авлоддир. Президентимизнинг истиқлолнинг дастлабки йилларида айтган «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган эзгу ниятлари ўтган давр мобайнида босқичма-босқич ҳаётимизда ўз ижобатини топмоқда.

### Фарзандларимиз биздан кўра кучли...

...Қишлоғимизда футбол ўйнаш учун битта мактаб стадиони ва қирга туташ бир текислик бўларди.

Яқинда қишлоққа бордим. Учта мини-футбол майдони қурилиб, фойдаланишга топширилган, болалар тажрибали мураббий раҳбарлигида миллионлар ўйини сирларини ўрганмоқда.

– Икки нафар ўқувчим «Бунёдкор», биттаси «Насаф» футбол клубининг академиясида таҳсил олаяпти, – дейди мураббий фахрланиб.

Хаёлим болалик йилларига кетди: Бахтиёр деган тенгдошим футболни жуда яхши ўйнар, унга ҳамма ҳавас қиларди. Келажакда унинг машҳур футболчи бўлишини, у билан фахрланиб юришни истарди. Отаси маҳалла аҳлининг қистови билан ўша пайтдаги етакчи футбол клубига олиб борди.

Мураббийлар уни синаб кўриб – «Зўр! «Класс!», дея бош бармоқларини ўйнатибди. «Келажакда яхши футболчи чиқади, ўзимиз сизларга хабар берамиз. Ҳозирча ўғлингиз билан қишлоққа қайтаверинг».

Орадан йиллар ўтди. Уни ҳеч ким йўқламади...

...Бугун нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгайиб, улар қўлга киритаётган совринлар миқдори кўпайиб бормоқда. Жаҳон миқёсидаги нуфузли спорт мусобақаларда Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли иштирок этмоқда. Бир пайтлар спортчиларимиз фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун истиқлол фарзандлари – ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритиши одатий ҳолга айланди.

(Давоми 8-бетда)

## ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

***Наврўз байрами арафасида янада кўркам тус олган пойтахтимиз кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.***

**Райн КОЗАРТ (АҚШ):**

– Мен турфа халқлар урф-одат ва анъаналарига, маданий ва маънавий меросини ўрганишга жуда қизиқаман. Наврўз байрами шодиёналарини кўришни кўп йиллардан бери орзу қилардим. Орзуим ушалаётганидан, Наврўз байрамини ўзбекистонликлар билан бирга нишонлаш имкони туғилганидан бахтиёрман. Ўзбекистонда ўтказиладиган сайлларда иштирок этиб, халқингиз маданияти ва санъати, турли халқ ўйинлари, куй-қўшиқлари ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш истагидаман.

Чет эллик меҳмонларнинг, сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун юртингизда барча шароит яратилган. Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани ҳамда халқингизнинг меҳмондўстлиги ўзбек диёрига сафар қилаётган чет эллик сайёҳларнинг кўпайиши учун ишончли асос яратмоқда.

**Махир КАНВАР (Ҳиндистон):**

– Ўзбекистоннинг кўплаб жойларида бўлганман. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларингизни томоша қилиб тўймайман. Бир мамлакатда шунчалик кўп ва қадимий обидалар бўлиши ҳайратланарли.

Саёҳатим давомида халқингиз Наврўз байрамига катта тараддуд кўраётганининг гувоҳи бўлдим. «Ҳашар» деб аталувчи умумхалқ тадбири эътиборимни тортди. Ҳамроҳларимнинг айтишича, бу тадбирда барча иштирок этар, шаҳар ва қишлоқлар янада ободонлаштирилар, кўчатлар экилар экан. Бундай аҳил ва ҳамжиҳат, тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади.

**Аким ВОЛБЕРС (Германия):**

– Равон йўллар, кўркам боғ ва хиёбонлар пойтахтингизга ўзгача чирой бағишлаган.

Наврўз байрамида миллат тарихи, руҳияти, эзгу анъаналари мужассам. Мамлакатингиздаги маданият ва истироҳат боғларини айланмоқчиман. Шаҳрингиз гўзаллигидан баҳраманд бўлиш, Наврўз шодиёнасида иштирок этиб, миллий таомларингиздан тановул қилиш имкони туғилишидан хурсандман.

**Дориан ТОЛБЕРТ (Франция):**

– Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги мени лол қолдирган. Юртингизда турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди. Давлатингиз томонидан халқингиз фаровонлигини юксалтириш борасида кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик самараси ҳар қадамда сезилади.

(Давоми 3-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА МАМЛАКАТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ

***Қонунчилик палатасида унинг Регламентига мувофиқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтмоқда.***

Куни кеча мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳасини кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг маърузасида таъкидландики, Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси, умуман ижро этувчи органларнинг масъулиятини, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларни сезиларли даражада чуқурлаштиришга қаратилгандир. Бундан ташқари, Президент ваколатларининг бир қисмини Бош вазирга ўтказишни, Бош вазир номзодини тақдим этиш ва унинг парламент палаталари томонидан тасдиқланиши тартибига аниқликлар киритишни назарда тутадиган ўзгартиш ижро этувчи ҳокимиятнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини янада оширишга қаратилган. Масалан, Конституцияга киритилаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Бош вазир лавозимига номзод кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури номзод томонидан тақдим этилишини назарда тутадиган қоида демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этадиган парламентаризм ва партиялараро рақобат тизимини янада мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси депутатлари ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган қоида ва ғояларга мувофиқ тайёрланганини таъкидладилар.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг яна бир муҳим янгилиги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, Президент – давлат бошлиғи, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш соҳасидаги қоидаларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ экани қайд этилди. Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатни рўёбга чиқариш, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштириш ва йўналтириш, уларнинг фаолияти устидан назоратни таъминлаш учун жавобгарлигини янада ошириш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзолари Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқаришда ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини сезиларли равишда оширишини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида парламент назорати сезиларли даражада мустаҳкамланади. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши ва улар юзасидан халқ депутатлари Кенгашлари тегишли қарорлар қабул қилиши кўзда тутилмоқда, бу эса депутатлар назоратини янада кучайтиришга кўмаклашади.

Шу тариқа, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг роли, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишга доир энг муҳим вазифаларни ҳал қилишда уларнинг иштироки тубдан кучаяди. Буларнинг барчаси минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш самарадорлигини кучайтиришга, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини тўлароқ ва самаралироқ таъминлашга, жойларда ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этишга, ана шу мақсадда парламентнинг, депутатлар назоратининг имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланишга кўмаклашади.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатларининг фикрича, миллий давлатчиликни ривожлантириш, «ўзбек модели» асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар давлат ва сиёсий қурилиш тизимида парламентнинг аҳамияти ва ролини кучайтириш бўйича муҳим демократик ўзгаришларни изчил ва босқичма-босқич рўёбга чиқариш истиқболда Ўзбекистоннинг ривожланган демократик мамлакатлар қаторига кириши учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан «Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган тадбирлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Шўртепа» маҳалласида «Наврўз айёминг муборак, мустақил Ўзбекистоним!» деб номланган тадбир ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими томонидан «Тошкентшаҳаргаз» УКда «Ҳар куннинг Наврўз бўлсин!» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида «Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ижтимоий шериклик: қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**• Гулистон шаҳрида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда «Камолот» ЁИҲ шаҳар Кенгаши етакчилари, ёш тадбиркорлар, турли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спортчилар, фаол талаба ва ўқувчилар иштирок этди.**

**• Наврўз байрами арафасида Ангрен шаҳрида «Дуркент» маданият маркази фойдаланишга топширилди. Спорт ва катта концерт залларига эга ушбу марказда бадиий гимнастика, шунингдек, рубоб, доира каби миллий мусиқа асбоблари бўйича тўгараклар фаолияти йўлга қўйилмоқда.**

**• Самарқандда «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» фестивали ўтказилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда таниқли кино ва театр актёрлари, режиссёр ва санъатшунослар иштирок этди.**

**• Наманган шаҳрида «Камолот» ЁИҲ вилоят Кенгаши ташаббуси билан «Ҳар бир ёшга бир ниҳол» шиори остида ташкил этилган ободонлаштириш ҳашари Наврўзга тайёргарлик доирасидаги тадбирлардан бири бўлди.**

### ЖАҲОНДА

**• Таиланд ҳукуматининг йиғилишида бугундан бошлаб мамлакат пойтахти Бангкок шаҳрида ва қўшни музофотларда мамлакатда рўй берган тартибсизликлар натижасида жорий этилган фавқулодда ҳолат режими бекор қилиниб, унинг ўрнига бирмунча енгил бўлган алоҳида хавфсизлик режимини амалга киритишга қарор қилинди.**

**• Malaysia Airlines авиакомпаниясига қарашли Boeing-777 русумли самолётнинг йўқолганига 10 кундан ошган бўлсада, унинг ҳалокати юзасидан ҳамон ҳар хил гумонлар билдирилмоқда. Жумладан, самолётнинг бедарак йўқолиши олдидан ердаги хизматлар билан сўнгги алоқага чиққан киши иккинчи учувчи бўлганлиги сабабли у ёки кема капитани ўз жонига қасд қилган бўлиши мумкинлиги ҳам тахмин қилинмоқда.**

**• Колумбияда тинимсиз жала қуйиши натижасида рўй берган сув тошқинлари тўрт кишининг ҳаётига зомин бўлди. Табиий офат оқибатида бедарак йўқолганлар орасида эса Сантандер департаментида ер кўчиши натижасида тупроқ тагида қолиб кетган бир нечта бола ҳам бор.**

## Қарор ва ижро

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

***Бозор муносабатлари асосида ривожланаётган ҳуқуқий-демократик давлатлар қатори юртимизда ҳам тадбиркорлик субъектлари турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкин бўлиб, унинг барча ҳуқуқий асослари яратилган. Шунингдек, тадбиркорларнинг фаолият йўналишлари ҳам хилма-хил ва улар қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган барча фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақлидирлар.***

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонун, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг самарасини йил сайин чет эллик инвесторларнинг юртимизга инвестиция киритишга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганида кўриш мумкин. Буни янада рағбатлантириш мақсадида давлатимиз томонидан уларга бир қатор имтиёзлар яратилди, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими соддалаштирилиб, ортиқча оворагарчиликларга барҳам берилди.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, қаерда тадбиркорлик субъектларига қулай шароит яратилиб, рўйхатга олиш ишлари қисқа муддатларда амалга оширилар экан, айнан шу мамлакатлар иқтисодиётига инвестиция жалб қилиш ҳажми ортиб боради.

Юртбошимиз томонидан кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг фаолият юритишлари учун зарур бўлган шароитларни яратувчи бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилиндики, натижада биргина тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тизими 2001-2006 йилларда 3 маротаба қайта кўриб чиқилиб, соддалаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, асосий фаолият тури лицензия талаб қиладиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланди. Лицензия талаб қиладиган фаолият турлари Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари»нинг рўйхати асосида белгилаб берилди.

Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Низомга кўра, асосий фаолият тури лицензия талаб қилмайдиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими йўлга қўйилган. Қарорга асосан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи ана шундай мурожаат бўлгандан сўнг 3 иш соатида ҳал этиладиган, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, 2 иш кунида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, ҳокимият ҳузуридаги инспекциялар ҳам тадбиркорларни рўйхатдан ўтказади.

Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 28 мартдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қарорига асосан хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдан олиниши лозим бўлган савдо реестридан кўчирмадаги 7 та талабдан 3 таси, яъни хорижий юридик шахснинг номи, унинг жойлашган манзили ва хорижий юридик шахс номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳақидаги маълумотлар қолдирилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъекти томонидан таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиш киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, рўйхатга олувчи органга мурожаат қилиш оралиғидаги муддат 7 иш кунидан 1 ойгача узайтирилди ва таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар матни ваколатли шахс томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилиши белгиланди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қонунчиликка киритилган ўзгартишлардан яна бири, бу Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридир.

Мазкур қарорга асосан 2011 йил 1 июндан бошлаб янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фонди (устав капитали)нинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан қирқ бараваригача камайтирилиб, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра, намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб берилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қонунчиликни соддалаштиришга қаратилган ўзгартишлардан яна бири бу Юртбошимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларидир.

Мазкур Фармонларга кўра, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомилнинг ва лицензияланадиган фаолият турларидан 15 тасининг бекор қилиниши, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш пайтида киритилиши лозим бўлган устав фондининг бир қисми шаклланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олишнинг бекор қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сонининг кескин кўпайишига, ўз навбатида, давлатимизга кираётган инвестиция оқимининг ошишига хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунчиликни либераллаштиришда Ўзбекистон эришаётган ютуқлар нафақат жаҳоннинг ривожланган давлатлари қонунчилигига тенглашди, балки баъзи соҳаларда илгарилаб кетганлигини ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, Президентимизнинг 2013 йил 14 ноябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2014 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган шахслар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш юзасидан интернет тармоғи орқали ҳам мурожаат қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартиш тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратган ҳолда бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга ҳам хизмат қилади.

Масалан, тадбиркорлик субъекти ташкил этиш истагида бўлган фуқаро рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатларни ўзи турган жойдан интернет тармоғи орқали электрон кўринишда рўйхатга олувчи органга юборганда, биринчидан, бу ҳолатда рўйхатга олувчи органнинг масъулияти ошади, яъни аризанинг юборилган санаси ва вақти аниқ рўйхатга олинади, иккинчидан, ариза муаллифи белгиланган муддатда рўйхатдан ўтилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади, учинчидан, оворагарчилик ва бюрократик тўсиқ ва ғовларнинг юзага келиш имконияти камаяди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолияти жараёнидаги қулайликлар мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар оқимининг янада кўпайишига ва айни дамда қўшимча иш ўринларини вужудга келтириш, фуқароларнинг турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилади.

**Иброҳим ТУРҒУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА МАМЛАКАТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Парламент назорати институтининг янада мустаҳкамланиши Олий Мажлиснинг демократик ислоҳотларни амалга оширишдаги ролини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида ҳукуматнинг масъулиятини белгилайдиган нормаларнинг конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилиши партия электорати манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини беради.

«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Конституцияга Президент республика давлат бошқаруви органлари ва ҳокимлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларни улар фақат қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳоллардагина тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши тўғрисида киритилган тузатиш Конституция ва қонун устуворлигининг таъминланишига кўмаклашишини алоҳида таъкидладилар. Шу тариқа, юқорида зикр этилган органлар ва мансабдор шахсларнинг ўзлари қабул қилаётган қарорлари, аввало аҳолининг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган қарорлари учун жавобгарлиги анча ошади.

Фракциянинг фикрига кўра, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилиши кафолатларининг кучайтирилишига қонун лойиҳасининг Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизимини, унинг фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган асосий принципларини мустаҳкамлаб қўядиган қоидалари кўмаклашади.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг вакиллари Конституцияга ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар барқарор ривожланишнинг долзарб вазифаларини ҳал этишда, Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланишга доир миллий мақсадларига эришишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий соғломликни таъминлашда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш учун алоҳида аҳамиятга молик эканини таъкидладилар. Қонун лойиҳасининг нормалари экологик назоратнинг таъсирчан тизимини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва янада такомиллаштириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларни ҳам яратади.

Умуман олганда, депутатлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий асосда янада ривожлантириш, давлат ва сиёсий қурилиш тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини кучайтиришда муҳим аҳамиятга молик эканини таъкидладилар. Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизни ривожлантиришнинг муҳим принципи – «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини бундан буён ҳам изчил амалга оширишнинг муҳим омили бўлади. Конституцияда жамоатчилик назорати институтининг мустаҳкамлаб қўйилиши фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда депутатлар вакиллик органларининг роли ва таъсирини ошириш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги вазифаларни ҳал этиш бўйича мавжуд имкониятларни кучайтиришда улкан аҳамиятга эга бўлади.

Депутатлар муҳокама якунлари бўйича мазкур қонун лойиҳасини бир овоздан қўллаб-қувватладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**



**Чинни буюмларимизнинг жилоси ўзгача**
**Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган сурат**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АМАЛДА

***Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.***

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 2013 йил 20 декабрь куни 1016-сонли қарор қабул қилиниб, унга асосан амнистия қарорининг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш ҳамда қўллаш жараёнида қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича махсус комиссия тузилган.

Комиссия таркибига Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар бош бошқармаси, Ижтимоий мослаштириш маркази, Адлия бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши ҳамда Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси масъул ходимлари аъзо этиб киритилган.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш борасида тадбирлар режаси белгилаб олинган бўлиб, ҳозирги кунда мазкур режа асосида иш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарорининг қўлланиш тартиби ҳақидаги Низомга мувофиқ, жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун сенаторлар, депутатлар ва Омбудсманнинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган.

Ҳозирги кунга қадар жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларнинг барчаси туман ички ишлар бўлимлари томонидан профилактик ҳисобга қўйилган. Уларнинг барчасига ижтимоий мослашиш марказлари, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмалари ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларидан ижтимоий, моддий, тиббий ва бошқа зарур ёрдам бериш чоралари кўрилди.

Хусусан, бугунги кунга қадар жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга 250 миллион сўмдан зиёд бўлган маблағлар моддий ёрдам сифатида берилган, уларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, фуқаролик паспорти берилиши таъминланди.

Шунингдек, ушбу шахслардан меҳнатга лаёқатли деб топилганлари ўзининг мутахассислиги ва истагига маъқул келган ишга жойлаштирилмоқда.

**Равшан ҲАКИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи**

## Анжуманлар

# ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги ислоҳотлар: натижа ва истиқболлар» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамкорлигида ташкил этилган конференцияда Бош прокуратура, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси ҳамда ички ишлар идораларининг масъул ходимлари, олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг шаклланишида муҳим асос бўлаётганини таъкидлаб ўтдилар. Мамлакатимизда ушбу ислоҳотлар доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий субъектлари фаолияти ҳамда қонунчилик базасининг янада такомиллашуви амалга оширилаётган янгиланишларнинг истиқболли эканлигини исботлайди.

Айни шу йўналишдаги туб ислоҳотлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятнинг шакли, моҳияти, мазмуни ва принципларини ўзгартириб юборди. Ҳуқуқ-тартибот органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кучайтирилиши мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олишда ва фуқаролар ўртасидаги юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллаларда милиция таянч пунктлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг ташкил этилганлиги, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида яраштирув комиссияларининг фаолият юритаётганлиги ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашда катта самара бераётир. Улар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жиноят содир этилишини келтириб чиқарувчи сабаблар аниқланиб, уларни бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

Конференцияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида эришилган ютуқлар замирида ушбу йўналишда фаолият юритаётган субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ташкил этишда ягона ёндашувни белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, анжуманда мазкур қонун лойиҳаси билан бир қаторда ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунлари ва тамойилларини чуқур таҳлил қилиш асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари, унинг норматив-ҳуқуқий фаолиятига оид материаллар, мазкур фаолиятнинг тизимлилиги, сифати ва самарадорлигини таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

*Тошкент шаҳар ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2011 ЙИЛ 14 ДЕКАБРДАГИ 809-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

Тошкент шаҳри туманларида жойлашган ўзбошимчалик билан қурилган якка тартибдаги турар жойларга нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ҳамда шахсий мулк сифатида рўйхатга олиш ишлари ҳужжатларини расмийлаштиришда келиб чиқаётган баъзи муаммолар сабабли амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг тўлиқ якунига етказилмаганлигини, шунингдек, Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2013 йил 21 декабрдаги мурожаат хатини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 14 декабрдаги «Тошкент шаҳрида рухсатсиз қурилган, кўп йиллардан бери фойдаланиб келинаётган якка тартибдаги турар жой бино-иншоотларига нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ишларини амалга ошириш ҳақида»ги 809-сонли қарорида:

1.1-бандидаги «амалга оширилсин» деган сўзлар «белгиланган муддатда тўлиқ ниҳоясига етказилсин» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1.5-бандидаги «2013» рақамлари «2015» рақамлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

«Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар каналларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқармаси, тегишли темир йўл корхоналари билан биргаликда:

Қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва меъёрларга жавоб берадиган уй-жойларнинг хатлов натижалари асосида рўйхати тузилсин ва маҳаллалар кесимида ер чегаралари хариталари тасдиқлансин;

4 ва 5-бандлари тегишлича 5 ва 6-бандлари деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Раҳмонов зиммасига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Р.Усманов**

*2014 йил 14 март*

# ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

## ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда Наврўз байрами катта тантана билан нишонланади. Ўтган йилги ташрифим чоғида ушбу айёмга бағишланган байрам тадбирларида қатнашиш шарафига муяссар бўлган эдим. Меҳр-оқибат, тинчлик ва аҳилликни улуғловчи урф-одатларингизга гувоҳ бўлганман, тансиқ таомларингиздан татиб кўрганман. Бу сафар ҳам ана шундай имкониятга эга бўлаётганимдан мамнунман.

**Марко ДАМИКО (Италия):**

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Самарқанд ва Хиванинг диққатга сазовор жойларини кўрдим. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенглиги мени ҳайратга солди. Юртингизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди.

Саёҳатим Наврўз байрамига тўғри келганидан жуда мамнунман. Ушбу айём арафасида юртингиз янада гўзал ва мафтункор диёрга айланибди. Фурсатдан фойдаланиб, барчани Наврўз байрами билан табриклайман. Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши, кўркига кўрк қўшилишини тилайман.

**Жонг КУАНГ (Хитой):**

– Юртингизга саёҳатимни табиийки Тошкентдан бошладим. Бу ерга келганимга ҳали кўп бўлгани йўқ, аммо ушбу бетакрор шаҳар менга ниҳоятда қадрдон бўлиб қолди. Шаҳардаги диққатга сазовор жойларни томоша қилар эканман, аввалроқ келмаганимдан афсусландим.

Мамлакатингизда Наврўз байрамини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган экан. Баҳор байрами Хитойда ҳам кенг нишонланади. 21 март куни хитойликлар «Миншуфэн», яъни Шарқ сабоси айёмини кенг нишонлайди. Ёрқин либослар кийишиб, гулдасталар билан бир-бирларини табриклайди.

**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди**







***Пойтахтимизда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан таниқли мусаввир Дилором Мамедова асарларидан иборат «Баҳор палитраси» деб номланган кўргазма ташкил этилди.***

## БАҲОР ЖОЗИБАСИ

Кўргазманинг очилишида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади.

Болаларни санъатнинг сеҳрли оламига ошно этиш, уларни миллий маънавиятимизга зид ва зарарли бўлган турли ахборотлар хуружидан самарали ва таъсирчан тарзда ҳимоялаш, бўш вақтини тўғри ва сермазмун ўтказиш мазкур жамоат ташкилоти фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган санъат фестиваллари, «Она сайёрамиз тинч бўлсин!», «Мафтункор ранглар дунёси», «Камалак жилоси» мавзусидаги болалар расмлари кўргазмалари ёшлардаги истеъдод қирраларини эрта аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда.

– Улғайиб келаётган авлодни ибратли анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтиришда тасвирий санъатнинг ўрни беқиёс, – дейди мусаввир Д.Мамедова. – Наврўз байрамига атаб болалар учун ташкил этилган ушбу кўргазмага табаррук диёримизнинг мафтункор табиати, обод ва файзли шаҳару қишлоқлар манзараси, миллий анъана ва қадриятларимиз акс эттирилган асарларни тақдим этишга ҳаракат қилдим.

Кўргазмадан ўрин олган «Дарахтлар гуллаганда», «Тоғда», «Паркент», «Қизғалдоқлар», «Чўпон», «Ёмғирли кун», «Тепаликдаги уй» сингари қирқдан ортиқ асарларда мўйқалам соҳибасининг жонажон Ўзбекистонимизга, меҳнатсевар ва фидойи ҳамюртларимизга чексиз ҳурмат ва эҳтироми, тинч ва осойишта ҳаётимизга шукроналик туйғулари акс эттирилган.

## ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

— Тоғлардан боғлам-боғлам бойчечаклар тушибди!
— Боғларга булбуллар қайтибди!
— Лола очилибди!
— Қалдирғочлар келибди!

Кунда бир хушхабар эшитамиз. Ҳар йили баҳор билан юзлашсак ҳам, баҳор белгилари ҳақидаги муждаларни ҳар йили эшитсак ҳам, ҳаётимизда бир мўъжиза юз берадигандек жонимиз жисмимизга сиғмай кетади. Офтобрўяга чиқиб «қуёш»лаб ўтирган отахон ҳам, устозига митти қўлчаларида бинафша кўтариб кетаётган қизалоқ ҳам, кўнгил қўйган қизига гулдаста элтаётган йигит ҳам баҳорий гўзалликнинг бир парчаси бўлиб кўринади. Беихтиёр кўнглимизга қўшиқ, тилимизга шеър келади:

***Ҳамма тутган умид баридан,***
***Ҳамма бахтли бўлгиси келар,***
***Кўкламойимнинг зумрад бағридан***
***Бахтнинг аниқ белгиси келар...***

Яхшилик яхшиликка, гўзаллик гўзалликка туташ дейдилар. Баҳорда Наврўзи оламнинг файз тўлиб туриши бизга қонуний бир ҳолдек туюлади. Гўё Наврўз шу зумрад фаслни танлаб адашмагандек, гўё ундаги бор қувонч, бор шукуҳ, бор сурур ўрик, бодом шохларида куртакларни ёриб порлаётган гулларга, музларни эритиб, тойчоқдек сакраётган тўлқинларга жуда-жуда ўхшашдек...

Баҳор — табиат руҳиятининг байрами бўлганидек, Наврўзи олам ҳам инсон руҳиятининг, халқ руҳиятининг байрамидир.

Шундай бўлгани учун ҳам ушбу айёмда «Наврўз» исмини тилга олган Беруний бобомизни беихтиёр эслаймиз.

***Ҳар тунинг қадр ўлибон,***
***Ҳар кунинг ўлсин Наврўз, —***

дея тилак билдирган Алишер Навоий бобомизнинг боқий нафасини ҳис этамиз.

Бу — руҳият байрами эмасми?

Аёллар бир бўлиб, жипс бўлиб, дошқозонларда сумалак пиширганмиз, қаҳрабо рангда, хуш бўйи етти маҳаллага гуркираб қайнаётган сумалак бошида қадимий қўшиқ «Омон ёр»ларнинг жаранги, дошқозон остидаги оловда тобланган чилдирманинг гижбадабанги, ёшу қарининг яхши ниятлар билан қозонга ташлаган тошчаларининг сирли «қўшиқ»лари руҳиятимиз байрами эмасми?! Ахир, яна ким биздек ер юзида уйғониш фаслининг бошланганини, ерга уруғ тушганини шундай катта шодлик билан қарши олади? Уйғонган, юмшаган тупроқни нур ҳовучлагандек ҳовучига тутади, тафтида исинади, тафтидан қувват олади.

Кенгликларда мажнунтол сочидек ёлларини ҳилпиратиб чопаётган тулпорларда кўпкари орзуси яшайди. Тоғлар, қирлар оша янграётган най навосида ошиқ қалб соғинчи мужассам...

Сочпопукларида момомерос кумуш тангалар жаранглаб, арғимчоқ учаётган қизларнинг қалбида баландлик орзуси, термулсанг кўзингга, юзингга кўзгу бўлгулик шаффоф булоқларда кенглик умиди...

Эҳ-ҳе, бу шундай фаслки, ҳар гул-гиёҳидан минг достон ўқилиши, минг достон тўқилиши мумкин.

Ўзингга сиғмайсан, сўзингга сиғмайсан. Шунинг учун чумолилар тизим-тизим бўлиб инидан чиқади.

Ҳа, бу митти жон-да, десангиз кенг яғринлари курашларда тобланган полвонлар ҳам майдонда...

«Инсон кўзидан, йил Наврўзидан белгили», дейишади. Бу йилги Наврўзимизда «Озод», «Обод» сўзларига «Соғлом» сўзини қўшиб айтяпмиз. Тилдан чиққан ҳар сўз илдизи кўнгилда. Демак, озодликдан ғурурланган, ободликдан сурурланган кўнглимизга соғломлик ҳаваси тушган, соғломлик мақсади тушган...

Яхши инсоннинг қўли очиқ бўлганидек, яхши мақсаднинг йўллари очиқ...

Очиқ, обод йўлларда — халқимиз байрами, табиат, руҳият байрами Наврўз билан ҳамроҳлигимиз қутлуғ бўлсин!

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

## ЭКОЛОГИК ҲАШАР

***Мамлакатимизда Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида амалга оширилаётган хайрли ишларда ёшларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 6 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури» ижроси доирасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида пойтахтимизда ташкил этилган экологик ҳашарда ана шундай фаол ёшлар иштирок этди.

Ҳашар доирасида Анҳор канали ва унга туташ ҳудудлардаги дарахтлар оқланиб, шакл берилди. Кўча ва йўлаклар атрофига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. 1,2 километр узунликдаги лоток ва ариқлар тозаланди. Болалар майдончалари тартибга келтирилди. Кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашилди.

– Экологик ҳашарда 300 нафардан ортиқ йигит-қиз фаол иштирок этди, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани кенгаши раиси Лазиз Тўраев. – Шу тариқа ёшларимиз янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўз байрамини муносиб кутиб олишга ўз ҳиссаларини қўшди.

Гўзалликка, ободликка йўғрилган бундай тадбирлар ёшларимизнинг бирдамлиги, аҳиллиги, меҳнатсеварлиги, элу юртга муҳаббати ифодасидир.

***Тошкентда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан экологик назоратнинг замонавий тамойиллари ва бу борада миллий қонунчиликдаги янгиликларга бағишланган семинар ўтказилди.***

## ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

Унда депутатлар, давлат бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг кундалик фаолиятига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу йўналишда белгиланган вазифалар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани экологик қонунчиликни янада такомиллаштириш, табиатни муҳофазалашга оид чора-тадбирлар кўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда. 2013 йил 27 декабрда «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Экологик назорат – атроф-муҳитни ҳимоялаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назорати чора-тадбирлари тизимидир.

Янги қонунда ушбу фаолиятни амалга оширишнинг аниқ процессуал механизми белгиланган. Қонунга мувофиқ давлат ташкилотлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳам экологик назорат жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ушбу қонун талабларини, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, глобал экологик муаммоларнинг инсон саломатлиги ва экологик барқарорликка салбий таъсирининг олдини олишда тутган ўрни ҳақида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш долзарб вазифадир. Шу мақсадда жойларда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоатчилик иштирокида семинар, учрашув ва мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Семинарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланишда давлат экологик назорати ва тармоқлараро бошқарув, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари ва давлат кадастри ва бошқа соҳаларда экологик назоратнинг ўрни масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

Қонун ва ижро

## ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА — САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

***Одамнинг иммунитет танқислиги вируси бугунги кунда бутун инсоният учун глобал муаммога айланди. Боиси ушбу касаллик аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини зарарлаб қолмасдан, бундай беморларни даволаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги, шунингдек, мамлакат демографик ҳолати ва иқтисодиётга катта хавф туғдириши муаммога қарши курашишнинг янада самарали усулларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.***

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиологик вазият барқарорлигини таъминлаш, одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни бу борадаги ишларни янада кучайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Мазкур қонунда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг фаолият йўналишлари аниқ белгиланган. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш, уни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, даволаш-профилактика муассасалари фаолиятига ОИВ инфекцияси профилактикасига доир замонавий технологияларни, хасталикни юқтириб олганларга ташхис қўйиш ҳамда уларни даволаш усулларини жорий этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда оилавий поликлиникаларнинг ўз ўрни бор.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида бу йўналишда олиб борилаётган ишлар самарасини пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 55-оилавий поликлиника фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган мазкур поликлиника қарийб йигирма саккиз минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Муассаса ҳудудида еттита мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва коллеж жойлашган.

Мамлакатимиздаги барча тиббиёт-профилактика муассасалари каби поликлиника шифокорлари ҳам аҳоли ўртасида тиббий-профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ва оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириб келмоқда. Бу йўналишда оила шифокори ва патронаж ҳамшира хизмати ташкил этилгани оилаларга чуқур кириб бориш, замонавий тиббий ёрдамдан халқимизнинг баҳрамандлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гиёҳвандлик, тиббий маданият етишмаслиги ОИВ ва жинсий йўл билан юқувчи бошқа турдаги касалликлар тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бу муаммонинг олдини олишда ёшларда тиббий маданиятни шакллантириш, ОИВ инфекциясидан ҳимояланиш усуллари бўйича чуқур тушунча бериш муҳим аҳамиятга эга.

55-оилавий поликлиниканинг умумий амалиёт врачи Хайринисо Азизова иш режасига мувофиқ хонадонларда тиббий-профилактика текширувларини олиб боришда бу масалага алоҳида эътибор қаратади. Мисол учун, у ўтган йили ушбу мавзуда қирқдан зиёд тиббий тарғибот тадбири ўтказган. Уларни ташкил этишда маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётир.

– ОИВ билан хасталанган беморлар ҳолидан тез-тез хабар олиб, белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтказамиз, – дейди ЎзА мухбирига шифокор Х.Азизова. – Уларнинг жисмоний аҳволи ўрганилади, касалликнинг кечиши кузатилади. Беморнинг жисмоний-руҳий ҳолатини мустаҳкамлаш, иммунитетини барқарор сақлашга кўмаклашиш юзасидан маслаҳатлар берилади. Антиретровирус терапияга муҳтож бўлса, ўз вақтида дори-дармон билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Бугунги кунда замонавий тиббиётда кенг қўлланилаётган бундай янгича даволаш услубларидан соғлиқни сақлаш тизимида кенг фойдаланилаётгани ОИВ инфекцияси туфайли келиб чиқадиган касалликни даволаш, бемор умрини узайтиришда мустаҳкам замин бўлмоқда. Бироқ, мазкур хасталикни бутунлай бартараф этишга замонавий тиббиётнинг ҳозирча ожизлиги, беморларни даволаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга кетадиган харажатлар тиббий-профилактика тадбирлари кўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Мазкур тиббиёт муассасасида ҳам тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида тиббий-ижтимоий патронаж ишлари йўлга қўйилган. Хусусан, оилавий поликлиникаларда ҳафтанинг ҳар бир кунида аҳолининг муайян қатламини қамраган ҳолда тиббий-профилактика тадбирлари узлуксиз ташкил этилмоқда. Бу жараёнда хорижда ишлаб қайтганлар ва уларнинг оилаларида соғлом турмуш тарзига оид тарғибот-тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Чет элда ишлаш истагида бўлган фуқароларга саломатликка таҳдид солувчи омиллар ва бундай муаммолардан ҳимояланиш йўллари акс эттирилган буклетлар тарқатилмоқда.

Жойларда ОИВ инфекциясининг олдини олишда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, хусусан, ҳомиладор аёллар, никоҳланувчи шахсларни юқумли инфекцияларга қарши текшириш ишлари ҳам муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, 55-оилавий поликлиника ҳудудида яшовчи икки юз олтмиш нафардан зиёд никоҳланувчи ёш Юнусобод тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида тиббий кўрикдан ўтказилди. Икки юз эллик нафардан кўпроқ ҳомиладор аёллар ОИВга текширувдан ўтди.

Бундай кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда онадан болага ОИВ инфекцияси юқишининг олдини олишга эришилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда мазкур оилавий поликлиника тиббий хизмат кўрсатаётган ҳудудда ОИВ инфекцияси билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилмади. Ўз навбатида, бирламчи тиббий-профилактика хизматида эришилаётган бундай натижалар аҳолининг тиббий хизматга бўлган ишончини оширмоқда. Ушбу шифо маскани ана шундай ютуқлари учун 2013 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол оилавий поликлиникаси» республика танловида учинчи ўринга сазовор бўлди.

Айни пайтда оилавий поликлиника жамоаси «Соғлом бола йили» Давлат дастурида аҳолига тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан фаол иш олиб бормоқда.

**Баҳор ХИДИРОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР













РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни бетакрор баҳор гўзаллиги
билан юртимизга кириб келаётган
Наврўз умумхалқ байрами билан
самимий муборакбод этамиз.
Ушбу айём Сизларга тинчлик,
куч-ғайрат ва омад олиб келсин.
Баҳорнинг гўзаллиги ва
Наврўзнинг нафосати
диёримизни нурга тўлдирсин.

“ТРАСТБАНК” ЖАМОАСИ

## “3-АВТОБУС САРОЙИ” ОАЖ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимизни файзли қадамлари ила
юртимизга ташриф буюраётган
Наврўзи олам билан муборакбод этади.
Дастурхонингиз қут-баракага тўлиқ,
хонадонингиз обод бўлсин.
Ҳамма ўйлаган эзгу тилакларингиз
ижобат бўлишига тилакдошмиз!



DAVR-BANK

## “ДАВР БАНК” ХЁАТБ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимиз ва пойтахтимиз
меҳмонларини яқинлашиб келаётган
Наврўзи олам билан чин юракдан самимий қутлайди.
Сизларга тинчлик-омонлик, соғлиқ ва баҳорий
кайфият доимо ёр бўлишига тилакдошмиз!

### БАНКИМИЗ
### ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ КРЕДИТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

1. Кредит суммаси лойиҳанинг суммасидан келиб чиқиб юқори даражаси чегараланмаган миқдорда берилади.
2. Кредитнинг фоиз ставкаси лойиҳанинг хусусиятидан келиб чиқиб 6%дан - 22% гача қилиб белгиланади.
3. Таъминотга ликвид мол-мулклар қабул қилинади.

### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН
қуйидаги омонат турларини таклиф қилади:

1. Омонат суммаси чекланмаган миқдорда миллий валютада йиллик 22 фоиз устама ҳақи тўлаш шарти билан 9 ой муддатга.
2. Хорижий валютада (АҚШ доллари) омонат суммаси чекланмаган миқдорда 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шарти билан 13 ой муддатга.

*Хизматлар лицензияланган*

MMS



## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни баҳор тароватини ўзида
мужассам этиб кириб келаётган
Наврўзи олам билан чин қалбдан
самимий муборакбод этади.
Ишларингизда омад, соғлиқ, бахт ва
катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

“MAGNUM MEDIKAL SERVISE”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Маҳсулотлар сертификатланган*

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-1117/7803-сонли, 09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино иншоотнинг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат ертўлали маъмурий бино такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 701 783 449,11 сўм.**

**Аукцион савдоси 2014 йил 8 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади**. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 4 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

***Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.***

# ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«Соғлом бола йили» Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистон Республикаси Олий судида Тошкент юридик коллежи ўқувчилари билан бўлиб ўтган учрашувда бу алоҳида эътироф этилди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев ва бошқалар мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида зарур барча шарт-шароитлар яратилгани ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини бунёд этиш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Соғлом бола йилида бу борада амалга ошириладиган ишлар янада юқори даражага кўтарилади. Дастурда аввало, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Айни пайтда бу борада соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Учрашувда бўлажак ҳуқуқшуносларга инсон ҳуқуқ ва манфаатларига оид мамлакатимизда яратилаётган кенг имкониятлар, улардан унумли фойдаланиш, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшишда ёшлар масъулияти каби масалалар билан бир қаторда Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тушунча берилди. Ўқувчилар мамлакатимиз суд ҳокимияти фаолияти, таркибий тузилиши ва ваколатлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий судида ташкил этилган музейда ҳам бўлиб, суд тизими тарихи билан яқиндан танишдилар.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**



## ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

«Соғлом бола йили» муносабати билан 2 апрель — «Халқаро болалар китоблари куни»да юртимиз келажаги бўлмиш болажонларимизнинг маънавий етук, янада соғлом бўлишларидек эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда **«Фарзандимга китоб совға қиламан»** лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Сиз меҳрибон ва азиз ота-оналарни шу куни мазкур лойиҳада қатнашиб, ўғил-қизларингизга китоблар совға қилишингизни тавсия этамиз. Фарзандларимизнинг Республика болалар кутубхонаси, жойлардаги Ахборот-ресурс марказларига аъзо бўлишлари сизларнинг хайрли ишингиздир.

«Фарзандимга китоб совға қиламан» лойиҳасида фаол иштирок этиб, дилбандларингизнинг дунёдаги энг қимматбаҳо хазина, содиқ дўст — китоб билан дўстлашишларига ўз ҳиссангизни қўшасиз деган умиддамиз.

**Тошкент шаҳар**
**Маънавият ва маърифат Кенгаши**

**Анжуманлар**

## МЕДИА ДАРСЛАР — ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРАДИ

***Миробод туманидаги 31-мактабда «Медиа дарслар — таълим сифатини ошириш омили» мавзуида семинар ўтказилди.***

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан уюштирилган анжуманда ўқувчиларга турли фанлардан очиқ дарслар ташкил этилди. Шуниси эътиборлики, ушбу дарсларда медиа воситалардан, кўргазмали қуроллардан, замонавий педагогик жиҳозлар ва технологиялардан фойдаланилди.

Анжуман қатнашчилари ушбу семинарда кўтарилган мавзу долзарб эканлиги, ўқувчиларга дарс ўтишнинг самарали воситаларидан унумли фойдаланиш муҳимлигини эътироф этган ҳолда келгусида бажариладиган вазифалар режасини белгилаб олишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда эстетик билимлар ривожи ва маданий тараққиёт» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.***

## ЭСТЕТИК БИЛИМЛАР РИВОЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган анжуманда олий ўқув юртлари ректорлари, етакчи олимлар, эстетика соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, айниқса, ёшларга қаратилаётган улкан эътибор, уларнинг ўз истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун яратилаётган шароит ва имкониятлар мамлакатимизда барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан бўлмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, қизиққан соҳалари бўйича касб-ҳунар эгаллаши, турли йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб бориши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда эстетик билимларнинг ижтимоий тараққиётга таъсирини баҳолаш, миллий ва умумбашарий қадриятларнинг моҳиятини таҳлил қилиш, соҳанинг маданий ва ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўрнини аниқлаш борасидаги қатор истиқболли тадқиқотлар ёшларимиз учун янги имкониятлар очишда муҳим омил бўлаётир.

Анжуман эстетик билимлар ривожи ва уларнинг жамиятга таъсири, маданий тараққиёт билан боғлиқлигини назарий, амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида «Эстетик билимлар интеграциясининг баркамол шахс шаклланишига таъсири», «Инсон эстетик дунёқарашининг ривожида театр ва кино санъатининг ўрни», «Замонавий бадиий таълим: анъанавий ёндашув ва ижодий изланишлар» каби шўъбаларга бўлинган ҳолда олиб борилди.

– Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини изчил ривожлантириш жараёнида талаба-ёшларнинг маънавияти, одоб-ахлоқи ва эстетик дидини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти проректори, санъатшунослик фанлари доктори Дилфуза Раҳматуллаева. – Жумладан, институтимизда талабаларнинг пухта таълим олиши билан бирга, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга ҳаракат қилинмоқда.

Конференцияда эстетика фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар, замонавий бадиий таълим олдидаги долзарб вазифалар, санъаткор эстетикасини тарбиялаш, эстетик фанлар соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ёш олимларни соҳага жалб қилиш ва уларнинг етук мутахассислар билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

**Дилшод КАРИМОВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2014 йил 15 апрель куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан, «Автомото Ҳаваскор» МЧЖ жарима майдонида сақланаётган: 1. 2014 йил 17 январь кунги 448/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 U 863 FA бўлган «Ваз 321214-126-20» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 500 000 сўм. 2. 2014 йил 17 январь кунги 452/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 10 Y 834 HA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 85 000 000 сўм. 3. 2014 йил 17 январь кунги 453/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 10 P 606 YA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 48 994 096 сўм. 4. 2014 йил 17 январь кунги 454/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 704 TAA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 994 096 сўм. 5. 2014 йил 17 январь кунги 456/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 W 286 EA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 940 096 сўм. 6. 2014 йил 17 январь кунги 457/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Z 132 FA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 926 616,80 сўм. 7. 2014 йил 17 январь кунги 458/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 E 565 EA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 956 996,20 сўм. II. Юнусобод туман СИБ томонидан: 1. 2014 йил 20 январь кунги 609-610/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 36-уйда сақланаётган, 2005 йилда и/ч дав. бел. 01 060 GAA бўлган «Хаммер» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 100 000 000 сўм. 2. 2013 йил 17 июль кунги 18268/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 8-сонли автосарой майдончасида сақланаётган, 1992 йилда и/ч дав. бел. 10 BA 939 бўлган «Мазда T2600» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 814 000 сўм. III. Чилонзор туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 14 март кунги ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 01 054 MCA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 300 000 сўм. IV. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 11 сентябрь кунги ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1987 йилда и/ч дав. бел. 01 W 736 MA бўлган «ГБАСПГ Газ 2411» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 257 000 сўм. V. Ҳамза туман СИБ томонидан, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2013 йил 19 август кунги 10-16307(12)/11377-сонли ва 2013 йил 15 июль кунги 10-1320/9043-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, 2001 йилда и/ч дав. бел. 01 722 ECA бўлган «Опел Омега» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 012 000 сўм. 2. 2013 йил 19 август кунги 10-16307(12)/11377-сонли ва 2013 йил 15 июль кунги 10-1320/9043-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 022 YBA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 339 000 сўм. 3. 2013 йил 25 декабрь кунги 1-1152-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 R 427 LA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 000 000 сўм.

2014 йил 1 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Миробод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: 1. 2014 йил 7 январь кунги 2/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 T 805 OA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 841 101 сўм. 2. 2014 йил 7 январь кунги 3/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 B 041 CA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 100 000 сўм. 3. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39614/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 X 085 GA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 640 000 сўм. 4. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39615/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 01 T 419 MA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 478 782 сўм. 5. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39617/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 D 184 OA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 600 000 сўм. 6. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39618/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда и/ч дав. бел. 85 K 775 BA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 53 200 000 сўм. 7. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39616/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 079 HA бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 436 982 сўм. 8. 2011 йил 14 октябрь кунги 20049/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 C 915 CA бўлган «Хонда Аккорд» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 636 543 сўм. II. Республика Суд департаменти томонидан 2012 йил 5 март кунги 1-69/12 сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шарқли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10 AZ 010 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч дав. бел. 10 BE 430 бўлган «Камаз-5311» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10 BE 429 бўлган «Камаз-5511» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10 BA 712 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 767 CAA бўлган «Газ-2752-414» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 321 000 сўм. 6. 2012 йил 23 июль кунги 1-185г/12- сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 R 216 JA бўлган «Лексус GX470» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 160 507 000 сўм. 7. 2012 йил 23 июль кунги 1-185в/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 701 AAA бўлган «NISSAN ALTIMA» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 62 308 000 сўм. 8. 2012 йил 23 июль кунги 1-185д/12 сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 707 AAA бўлган «Тайота Прадо» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 128 746 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

*Гувоҳнома: 006388.*

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 22 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 15 июль кунги 10-1320/9043-сонли ва 2013 йил 19 август кунги 10-1307(12)/11377-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 7804,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 6372,45 кв.м. бўлган, «Таълим тарбия ва соғломлаштириш маркази». Бошланғич нархи – 378 833 000 сўм.

2014 йил 8 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Ҳамза туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 2013 йил 9 сентябрь кунги 1-2299/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Нигора 3-тор кўчаси, 14-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 283,79 кв.м., умумий яшаш майдони 187,34 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 450 000 000 сўм.

II. Миробод туман СИБ томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 2011 йил 25 августдаги 406/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўчмас мулклар:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 54-хонадонда жойлашган, умумий майдони 28,97 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 50 456 438 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 72-хонадонда жойлашган, умумий майдони 38,57 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 65 666 184 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 61-хонадонда жойлашган, умумий майдони 62,90 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 121 044 277 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 46-хонадонда жойлашган, умумий майдони 28,87 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 49 580 541 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Марказ-1 даҳаси, 50-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,50 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 116 159 763 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

*Лицензия: № RR-0017.*

Билдириш

1. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2014 йил 12 март кунги 49-сонида хабар қилинган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обиҳаёт кўчаси, 1-уйда жойлашган кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси Сергели туман Суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 14 март кунги хатига асосан тўхтатилди.

***«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.***

**БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ДИЁР МЕДИА» масъулияти чекланган жамияти яқинлашиб келаётган яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўз байрами билан ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини самимий қутлайди.**

Фурсатдан фойдаланиб, Наврўзи олам тантаналари ҳамда бошқа байрам тадбирларингизни таниқли санъаткорлар, сўз усталарию бошловчилар, режиссёрлар иштирокида дастурлаштирилган сценарий асосида ўтказиб бериш имкониятига эгалигимизни эслатиб ўтамиз. Шунингдек, тадбирни суратга ва тасвирга олиш хизматларидан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Тўловлар шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**Мурожаат учун телефонлар:** 8-371-233-00-14; 233-00-28; 233-22-27; (+998 90) 975-91-07; (+998 91) 162-30-02.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Хизматлар лицензияланган

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни халқимизнинг қадимий ва ҳамиша навқирон, баҳор элчиси ва табиатнинг уйғониши рамзи сифатида бетакрор гўзаллиги билан юртимизга кириб келаётган

**Наврўз**

умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Ушбу қутлуғ айём муносабати билан Сизга ва оила аъзоларингизга куч-ғайрат, шижоат ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

*Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!*



**"ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

*азиз ҳамшаҳарларимизни эзгулик ва яшариш байрами — Наврўзи олам билан чин кўнгилдан самимий табриклайди.*

Дилларга қувонч, қалбларга илиқлик бахш этаётган ушбу байрам юртимизга тинчлик, хотиржамлик, қут-барака олиб келсин.

**Ватанимиз обод, дилларимиз шод, хонадонларимиз нурафшон, ёшларимиз бахтли ва саодатли бўлишсин!**

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ЖАМОАСИ

*пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларини ҳамиша гўзал ва навқирон Наврўзи олам билан табриклайди.*

**Азизлар, қутлуғ қадамлари билан кириб келган кўклам фаслининг азалий байрами барчамизга муборак бўлсин!**

*Ватанимиз осмонида тинчлик кабутарлари парвоз қилсин.*

*Бахт, омад, саломатлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.*

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

*Барчангизни бетакрор баҳор гўзаллиги ила юртимизга қутлуғ қадамлар ила кириб келаётган* **Наврўз** *умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз. Уйғониш фасли сизларга руҳий тетиклик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик ва қалбингизга қувонч олиб келсин.*

«Соғлом бола йили»да Ватан ичра кичик бир Ватан бўлган маҳаллаларимиз ёшлари жисмонан бақувват, кучли, маънан етук, бахтли ҳаёт кечиришсин.

**"МАҲАЛЛА" ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАМЗА<br>ТУМАН БЎЛИНМАСИ ЖАМОАСИ**

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни фусункор табиатнинг бебаҳо неъмати сифатида ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий қутлаймиз.

**Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилаймиз!**

**"ТОШКЕНТНОН" УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**







# КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА БАХТЛИ АВЛОД

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2013 йилнинг ўзида турли даражадаги халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 124 олтин медални қўлга киритгани қувонарли. Ёшларимизнинг дунё спорт шоҳсупаларида туриб, ўзининг шарафига Ватанимиз байроғи ҳилпираётгани, мадҳиямиз янграётганидаги ҳаяжонни ҳис этиш – бу нафақат ўша спортчилар ва уларнинг ота-оналари, балки бутун Ўзбекистоннинг қувончи ва фахридир.

Спортчиларимизнинг 2013 йилги спорт мавсумида халқаро мусобақаларда 276 олтин, 250 кумуш ва 268 бронза медалига сазовор бўлгани ўзбек йигит-қизлари истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигининг амалдаги ифодасидир.

Қўлга киритилаётган бу ғалабалар бевосита болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар маҳсулидир. Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли спорт мусобақалари фарзандларимизни соғлом тарбиялаш баробарида профессионал спортчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунинг учун «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

### Биздан кўра билимли...

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз илм-фани изчил ривожланиб, глобал аҳамиятга эга натижаларга эришиш ва улар асосида энг илғор технологияларни яратиш, амалиётга татбиқ этиш имкони яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари томонидан мазкур тизимни замонавий мезонлар асосида юксалтириш йўлида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий ўқув юртларида жаҳон тажрибаси инобатга олинган ҳолда, давлат таълим стандартлари асосида ўқитилмоқда. Ёшларимиз учун бир неча хорижий тилни билиш, дунёдаги нуфузли дорулфунунларда таҳсил олиш одатий ҳолга айланди.

Ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва уларни рағбатлантиришнинг ўзига хос миллий тизими шакллантирилди. Хусусан, олий ўқув юртлари талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий номидаги давлат стипендиялари таъсис этилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам равишда фан олимпиадалари, турли танлов ва мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб, мактабларнинг биринчи синфидан хорижий тилларни узлуксиз ўқитиш тизими жорий этилди.

Бундан чорак аср олдинги, айниқса, қишлоқдаги болаларнинг машғулотини бир эсга олайлик: мактабдан келиб нонни белига туганча далага ёки молнинг ортидан қирга отланарди, бирор спорт, мусиқа ёхуд фан тўгараги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Бугунги болалар елкасига спорт сумкасини осиб, у ёки бу спорт машғулотига ошиқади, қайсидир тўгаракка боради ё ҳунар ўрганади, асосийси, ўз келажаги қандай бўлишини аниқ тасаввур этади.

– Мен яратган роботга компьютер орқали овозда турли топшириқлар берилади. Дунёда овоз орқали бошқариладиган роботлар кўп, лекин улар асосан инглиз, немис, япон ва бошқа тилларни тушунар эди. Бу роботнинг афзаллиги – у она тилимиз, ўзбек тилини «яхши билади», – дейди Тошкент шаҳридаги Турин Политехника университети талабаси Олимжон Тўйчиев. – Биз дунё тамаддуни, илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар авлодимиз. Яратиб берилаётган шароитлар туфайли ана шу улуғ аждодларимизнинг муносиб давомчиси сифатида ўз сўзимизни айтмоқдамиз.

Турли соҳа ва йўналишда ўз истеъдоди ва салоҳияти билан дунё илм аҳлини лол қолдираётган ёшларимиз кўп. Мустақиллик йилларида ўқувчиларимиз турли фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда 21 олтин, 51 кумуш, 90 бронза медали, шунингдек, юздан ортиқ дипломга эга бўлгани фарзандларимиз бу борада эришаётган натижалар улуғворлигини тасдиқлаб турибди.

### Биздан кўра доно...

Шахмат – нафақат интеллектуал спорт тури, балки мураккаб фан ва жозибали санъат ҳамдир. Шахматнинг ижтимоий мақоми, фалсафий ва психологик масалалари, фанлар билан алоқадорлиги йирик олимлар, нуфузли илмий марказлар томонидан узоқ йиллар давомида атрофлича тадқиқ этилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, замонавий компьютер ўйини дастурлари ҳам мантиқий фикрлашни ривожлантиришда шахмат билан тенглаша олмайди.

Шахмат қадимдан ўзига хос ақл-идрок ўйини ҳисобланган. Бир асрдан зиёдроқ вақтдан буён энг кучли шахматчилар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилиб, ғолибларга алоҳида эҳтиром ва эътибор кўрсатиб келинмоқда.

Президентимизнинг жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга йўллаган табригида шундай сўзлар бор: «Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди». Дарҳақиқат, жаҳон илм-фани равнақига улкан ҳисса қўшган Ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари буюк алломаларга бешик бўлган бу муқаддас заминдан кучли, билимли ва доно ёшлар етишиб чиқиши табиий-да.

2004 йили ўтказилган жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлиб, шахмат бўйича юртимизда янги авлод вакиллари етишиб чиқаётганини бутун жаҳонга намоён қилди.

2005 йили Франциянинг Бельфор шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 15 ёшли Юлдуз Ҳамроқулова 100 дан ортиқ иштирокчи орасида бронза медалга сазовор бўлди. Ўтган йили Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини олди. Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 6 ёшли Исломбек Синдоров Ўзбекистон ёшлари нималарга қодирлигини яна бир бор намойиш этди: уч йўналиш бўйича ҳам Осиё чемпионлигини қўлга киритди. FIDE президенти Кирсан Илюмжинов «Энг ёш жаҳон чемпиони Ўзбекистонда яшайди. У – Нодирбек Абдусаттоgoing!» деди.

– Мамлакатимизда эркаклар ва аёллар ўртасида Гран-при турнирлари ташкил этилиши, жаҳон шахмат юлдузларининг юртимизга келиши, ёш шахматчиларимизнинг оламшумул ютуқлари Ўзбекистон шахмати ривожида янги босқични бошлаб берди, – дейди шахмат мураббийи Маматқул Хайлаев. – Натижада олис туман ва қишлоқларда ҳам шахматга қизиқиш кучайди. Фарзандлари ақл-идрок ўйини билан шуғулланишини истаган ота-оналар сафи кенгайди.

### ...ва албатта бахтли

Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган шароит ва ғамхўрликлар қобилиятли, салоҳиятли, баркамол фарзандларимиз учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Фарзандларимизнинг фан, таълим, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани ҳақидаги хабарни ҳар куни эшитамиз, ўзимиз бевосита гувоҳ бўламиз.

Ёшлар қачон бахтли бўлади? Қачонки, уларнинг ўқиш ва ишлари жойида бўлса, оилалар тўкис ва фаровон бўлса. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга доир кенг кўламли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони фикримиз тасдиғи бўла олади.

Мустақиллик йилларида вояга етаётган янги авлод ўзларига билдирилаётган ишонч ва ғамхўрликни теран ҳис қилган ҳолда, халқимиз, Президентимиз ёшларга катта умид боғлаётганини яхши англайди. Улар бу ишончни аъло ўқиш, илмий-ижодий муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти ва Ватанимизнинг ёруғ истиқболи йўлидаги фидокорона меҳнат билан оқлашга интилмоқда.

Бу авлод тимсолида юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир ёшларимизни кўриб турибмиз. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг яна бир муҳим кафолати бўлди.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## Спорт янгиликлари

## РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

***Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси томонидан дунё клубларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.***

Унга кўра дунёнинг энг кучли 200 та клублари орасидан фақат «Бунёдкор» ўрин эгаллаган. У рейтингда 187-ўринга лойиқ кўрилди. Аввалги рейтингда 173-ўринни эгаллаган «Бунёдкор» бу сафар 14 поғона пастлаган.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Ўзбекистон футбол федерацияси ва Профессионал футбол лигаси томонидан ташкил этилган Ёшлар лигаси мусобақалари бошланди.***

## ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР БАҲСГА КИРИШДИ

Ёш футболчиларнинг тажрибасини ошириш, уларни нуфузли мусобақаларга пухта тайёрлаш мақсадида тўртинчи маротаба ўтказилаётган мазкур турнирда олий лигада иштирок этаётган жамоаларнинг 22 ёшгача бўлган футболчилари қатнашади. Уларнинг тажрибасини ошириш мақсадида уч нафар ёши катта футболчини майдонга туширишга ҳам рухсат этилади.

Бу йилги мусобақанинг дастлабки турида энг йирик натижа «Андижон» ва «Пахтакор» жамоалари учрашувида қайд этилди. Пойтахтликлар рақиб майдонида тўп сурганига қарамай, мезбонларни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ёш «пахтакорчи»ларга ғалаба келтирган голлардан иккитаси Игорь Роговaнов, қолганлари Аббосбек Махсталиев ва Абдураҳмон Абдулҳақов ҳисобига ёзилди.

Биринчиликнинг амалдаги чемпиони – «Бунёдкор» футболчилари пойтахтда ўтган баҳсда Навоийнинг «Қизилқум» жамоаси дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритди.

Дастлабки тур учрашувини ўз майдонида ўтказган «Бухоро» ва Наманганнинг «Навбаҳор» жамоалари «Нефтчи» (Фарғона) ва «Локомотив» (Тошкент) футболчиларига 0:1 ҳисобида ютқазди. «Сўғдиёна» Жиззахда кучли футбол академиясига эга бўлган Муборакнинг «Машъал» жамоасига 2:4 ҳисобида имкониятни бой берди.

Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилаётган «Олмалиқ» ва «Металлург» баҳсида олмалиқлик футболчилар 3:2 ҳисобида зафар қучди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Кувайтда ўқ отиш бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати якунланди.***

## ЎСМИРЛАРИМИЗ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

Мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этдилар. Қитъамизнинг моҳир мерганлари орасида иштирок этган Вадим Скороваров ўн метр масофадан милтиқда ўқ отиш баҳсларида 206 очко жамғариб, Осиё чемпиони бўлди.

Ўн метр масофадан тўппончада ўқ отиш баҳсларида эса ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Владимир Свечников бронза медалини қўлга киритди.

Мусобақада эришган юксак натижалари туфайли ҳар икки мерганимиз жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган II Олимпия ўйинларига йўлланма олдилар.

Ушбу нуфузли мусобақаларда ўсмирлар ўқ отишдан ташқари оғир атлетика, бадиий гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, дзюдо каби спорт турлари бўйича баҳс юритадилар.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

## Шифобахш кўкатлар

## ҚУШҚАРОҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

***Кўркам баҳорнинг серхосиятли кўкатлари билан қишдан очиқиб чиққан, дармондориларга интизор аъзоларимизга эм бўладиган инъомлари мўл.***

Ўлкамизда шифолилиги билан азизланадиган гиёҳлар орасида қушқароқ гиёҳи алоҳида ўрин тутади. Қушқароқ дуккаклилар оиласига мансуб бўйи бир ярим метр атрофида бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси ингичка, кўтарилувчи, сертук. Барглари уч пластинкали, мураккаб бўлиб, банди ёрдамида поячасида кетма-кет ўрнашган. Пастдаги барглар тухумсимон, майда тишсимон қиррали, юқоридагилари — чўзиқ, текис қиррали. Пушти ёки қизил рангли, майда, беш бўлакли. Гуллари бошоқча тўп гулига жойлашган. Меваси — дуккак.

Гиёҳ аксарият нам ерларда, ариқ, жилға, сой, дарё бўйларида, бегона ўт сифатида бедапояларда, кўпинча тоғ этаклари, адирлар ва суғориладиган майдонларда ўсади.

Қушқароқнинг майсаси, мурғак ўтидан баҳорий таомлар бўлмиш кўкатли чучвара, сомса, бичак, баъзи таомлар (дўлма) мағзи бўлмиш ялпиз, мачин, жағ-жағ, қўзиқулоқ, исмалоқли қўшилмаларда фойдаланилади.

Ушбу ўсимлик халқ табобатида маълум даражада ўрин тутади. Ўсимликнинг ер устки қисми ёки айрим гуллари йиғилиб соя, ҳавоси эркин бўлган жойларда қуритилади ва у қадим замонлардан бери турли касалликларни даволашда қўлланиб келинган. Ҳакиму ҳозиқ Абу Али ибн Сино қушқароқнинг қуритилмаган ер устки қисми шираси билан яраларни ва кўзга оқ тушишини даволаган. Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмасини пешоб йўллари касаллигида пешоб ҳайдовчи дори тариқасида ишлатган.

Ўтлоқ қуштароғининг гули ва ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма ёки дамламаси халқ табобати амалиётида кўкйўтал, кўкрак қисиши, камқонлик, хафақон, безгак, шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларни даволаш учун ҳамда балғам кўчирувчи, пешоб ҳайдовчи ва касаллик чақирувчи бактерияларга қарши (антисептик) омил сифатида ишлатилади. Ўсимликнинг қуритилмаган барг шираси ширинчага (диатез) эмлик қилади, баргини эзиб яра ва салқиган-шишган жойларга боғланади.

Ўтлоқ қушқароғининг ер устки таркибида салмоқли миқдорда С белгили дармондори (262 мг фоиз), В гуруҳи витаминлари, 50 мг фоизгача каротиноидлар (витамин А нинг дебочаси), кумаринлар, флавоноидлар, қанд, антоцианлар, салицилат ва бошқа органик кислоталар, шунингдек, биологик фаол моддаларни сақлайди. Профессор С.Салоҳиддиновнинг тавсиясига қараганда, қушқароқ баргларининг шарбати истеъмол этиладиган бўлса, ширинчага даволик қилади, гул бошчаси ва барглари асосида тайёрланадиган қайнатма меъдани мустаҳкамлайди, белнинг қадалиб оғришига хотима беради, шамоллашнинг енгил ўтишига омил бўлади, боғлама сифатида ишлатилса, шишларга малҳамлик қилади.

Замонавий тиббиётда қушқароқнинг ер устки қисмидан тризофлан препарати тайёрланади. У қондаги холестерин моддасининг камайишига воситачилик қилади, атеросклероз дардига йўлиқтирмайди.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос олим**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 март** куни ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ва куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража илиқ, кундузи — 15-17 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20** ва эрталаб **21 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 356
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 14170 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 16.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5